

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2023 йил март ойининг 30 куни жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Эшимов, И.Мухаммадиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгиер шаҳар прокурори ёрдамчиси О.Қобилов, судланувчи ААА ва унинг ҳимоячиси О.Қурбоновнинг иштирокида, АААга оид 1-1211-2301/15-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

ААА [REDACTED] туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, Янгиер шаҳар маданият бўлими мудири, муқаддам жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг 2012 йил 14 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилиб, ЖКнинг 45, 57-моддалари қўлланиб, 1 йил савдо кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазоларни ўтаб бўлган, ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланган,

[REDACTED] яшаган, эҳтиёт чораси сифатида 2022 йил 16 декабрдан камокда, айблов ҳулосаси нусхасини 2023 йил 10 февралда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

ААА 2019 йил 26 июлдан 2022 йил 21 декабрга қадар Янгиер шаҳар маданият бўлими мудири лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, Наврўзобод маданият маркази тикувчилик йўналиши тўғррак гуруҳи раҳбари С.Носированинг 1,0 (ставка) штатдаги иш ўрнини 2023 йилдан 0,5 (ставка) штатдаги иш ўрнига туширмаслик эвазига тамагирлик йўли билан С.Носировадан 1.350.000 сўм пулларни пора тариқасида талаб қилиб, ушбу пул маблағларини 2022 йил 16 декабрь куни соат 10:27 да Янгиер шаҳар маданият бўлимидаги хизмат хонасида олган вақтида ўтказилган тезкор тадбир давомида ушланган.

Судланувчи ААА судда айбига қисман иқрорлик билдириб, Янгиер шаҳар Маданият бўлими мудири лавозимида ишлагани, хизмат вазифаларига бўлим ходимларини ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, бўлим ходимларини буйруқ асосида лавозимларини ўзгартириш, иш ставкасини белгилаш, ходимларга моддий рағбатлантириш ёзиш ва бошқалар кириши, 2022 йил апрель ойида С.Носировани Янгиер шаҳар Маданият бўлими Наврўзобод маданият марказида тикувчилик йўналиши бўйича тўғррак раҳбари вазифасига 1,0 ставкада ишга қабул қилгани, у С.Носированинг опаси Дурдона

фойдаланган бино учун 200.000 сўмдан ижара пули олгани, бироқ олдинги кўрсатмаларида ҳар ойлик харажатлари учун олгани ҳақида суриштирув ва тергов органига кўрсатма бергани, бундай деб кўрсатма беришига сабаб ўша вақтлар тушкунликка тушган бўлгани, 2022 йил 8 декабрда С.Носировага кўнғироқ қилиб, опаси Дурдона фойдаланган бино учун ноябрь ойига бинонинг ижара ҳақи сифатида 200.000 сўм пул беришини айтгани, у ҳозир уйдалигини, оилали бўлгани сабабли кеч бўлганда телефон қилмаслигини, уйдан чиқмаслигини, эртага Янгиер шаҳар маданият бўлимига боришини айтгани, 2022 йил 9 декабрда Янгиер шаҳар маданият бўлими биносидаги хизмат хонасида С.Носировадан бинонинг ижара ҳақи сифатида 200.000 сўм олгани, ушбу ҳолатда ҳам муқаддам суриштирув ва тергов органида берган кўрсатмаларида 200.000 сўм пулни 1,0 ставка ишини 0,5 ставка ишига тушуриб юбормаслик эвазига олиб келгани ҳақида кўрсатма бергани, шок ҳолатда бўлгани учун шундай кўрсатма бергани, 2022 йил 9 декабрда С.Носирова 2023 йил учун 1.350.000 сўмни олдиндан ижара ҳақи сифатида беришини айтгани, унга “майли, ижара ҳақингни бира тўла қилиб, 1.350.000 сўм қилиб бер” деб айтгани, бу таклиф С.Носировани ўзидан чиққани, шунингдек, ҳамма қатори унга ҳам мукофот пули ёзишини айтгани, 2022 йил 16 декабрда хизмат хонасида С.Носировадан опачаси фойдаланаётган бино учун 2023 йиллик ижара ҳақи сифатида олдиндан 1.350.000 сўм пулни олганида тезкор тадбир иштирокчилари ушлашгани, 2022 йил май ойидан у томонидан С.Носировадан олиб келинган 200.000 сўм пуллар опаси Дурдона фойдаланган хонанинг ижара пули бўлганлигини, ижара пули берганлиги учун опаси Дурдонага тикув машиналари, аверлок, утюг ва бошқа анжомлар олиб кириб, халққа хизмат кўрсатиш учун рухсат бергани, опасидан ҳам ижара пули олиб келгани, агарда С.Носирова унга ҳар ойда 200.000 сўм пулни бермайдиган бўлса, уни ишдан бўшатишини, иш ставкасини туширишини айтмагани, С.Носирова ва унинг опаси Дурдоналар билан ижара шартномаси тузмагани, оғзаки келишгани, қилмишидан пушаймонлигини, қонуний енгиллик бериб, қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи ААА айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, унинг айби:

- гувоҳ С.Носированинг суддаги, 2022 йил апрель ойида у Янгиер шаҳар маданият бўлими Наврўзобод маданият марказида тикувчилик йўналиши бўйича тўгарак раҳбари вазифасига 1,0 ставкада ишга қабул қилингани, иш давомида у ҳар ойлик 1,0 ставкада ишлаши эвазига иш ҳақидан ўртача 200.000 сўмдан маданият бўлим бошлиғи ААА “ойлик харажатларим бор” деб пул олиб келгани, ААА унга “ижара ҳақи учун” деб айтмагани, ижара шартномаси ҳам тузмагани, кейинчалик бу пулларни ААА ўз эҳтиёжлари учун ишлатганини, идора харажатлари учун ишлатмаганини билиб, унга пул бермаслигини айтгани, ААА 2022 йил 8 декабрь куни кечки вақтда унга кўнғироқ қилиб, 200.000 сўм пул беришини айтгани, у унга ҳозир уйдалигини, оилали бўлгани учун кеч бўлганда чиқмаслигини, эртага Янгиер шаҳар маданият бўлимига боришини айтгани, 2022 йил 9 декабрда Янгиер шаҳар маданият бўлими биносидаги АААнинг хизмат хонасида у билан кўришгани, ААА 1,0 ставкадаги ишини 0,5 ставкага туширмаслик ва 1,0 ставкада ишлаш нияти бўлса, ҳар ой 200.000 сўмдан беришини айтгани, у

унга 8 декабрь куни кеч бўлганида телефон қилгани сабабли оиласида қайнота-қайнонаси ва турмуш ўртоғи эътироз билдирганини айтгани, ААА унга ҳар ойда безовта қилмаслиги учун 2023 йилда ҳар ойда 1,0 ставкада ишлаши эвазига бир ойлик иш ҳақини, яъни 1.350.000 сўмни олдиндан беришини айтгани, у унга турмуш ўртоғи билан маслаҳатлашиб, жавобини айтишини билдиргани, ушбу сўзлашувни телефонга ёзиб олгани, 2022 йил 16 декабрда Департаментнинг Янгиер шаҳар бўлими бошлиғи номига ААА томонидан штатини 1 ставкадан 0.5 ставкага туширмаслик эвазига ҳар ой 200.000 сўмдан беришни талаб қилгани бўйича ариза бергани, аризасига ААА билан ўртасидаги ёзиб олинган суҳбатни илова қилиб, АААга чора кўришни сўрагани, 2022 йил 16 декабрда аризасига асосан тезкор тадбир ўтказилгани, барча тадбир иштирокчилари Янгиер шаҳар, “Фазилат” МФЙ, Янги Аср кўчасида жойлашган Янгиер шаҳар маданият бўлими биносига боришгани, ўзи бино ичига кириб, ишлов берилган 1.350.000 сўм пулларни АААга бергани, шартли белгини бергани, тадбир иштирокчилари келиб, АААни ушлашгани, ишлаган даврида ундан олган ҳар ой 200.000 сўм пулларни АААга ижара ҳақи сифатида бермагани, у билан ААА бирон маротаба ижара масаласида гаплашмагани, опачаси Д.Мадиярова ҳам ишлаганида бирон марта ижара ҳақи сифатида ижара пули берганини айтмагани, агарда бинони ижарага олган бўлса, ижара шартномаси тузиши керак бўлгани ҳақидаги кўрсатуви;

- гувоҳ Ғ.Хайдаровнинг суддаги, 2020 йил 3 августдан Янгиер шаҳар маданият бўлимида ҳисобчи-кассир лавозимида ишлаши, вазифасига ходимларнинг иш ҳақларини ҳисоблаб, ўз вақтида тарқатиш кириши, 2022 йил 16 декабрда бўлим бошлиғи АААни хонасига кириб, ундан ходимлар, яъни тўғарак раҳбарларининг бадал пуллари тўланганлиги тўғрисидаги чекларни олгани, АААга Ситора бадал пулларини тўламагани ҳақида айтгани, бироздан сўнг Ситора АААни хонасига кириб келгани, уни 501.000 сўм бадал пулидан қарзи борлигини тушунтиргани, кейин хонадан чиқиб кетгани, кейин яна бадал пуллари чекларини олиш учун АААнинг хонасига киргани, бироздан сўнг хонага нотаниш кишилар кириб келгани, ўзларини Департамент ходимлари деб таништиришгани, С.Носированинг ариза юзасидан тезкор тадбир ўтказилганини, С.Носировадан 1.350.000 сўмни унинг штат бирлигини 1 ставкадан 0,5 ставкага туширмаслик эвазига олганини ААА орган ходимларига айтганида билгани, улар АААдан 1.350.000 сўмни сўрашганида, у С.Носировадан олган 1.350.000 сўм пулларни хизмат хонасидаги байроқ остида жойлашган “SvetoCopy” номли қоғоз қутисига солиб қўйганини айтгани, АААнинг қўллари, кийимлари, “SvetoCopy” номли қоғоз қутисининг ён ва устки қисмлари ва пуллардан суртмалар олингани, пуллар махсус аппарат ёрдамида ёритиб текширилганида, сарғиш рангда товланиб “Пора” ёзуви кўрингани ҳақидаги кўрсатуви;

- гувоҳ Д.Мадиярованинг суддаги, Янгиер шаҳар маданият бўлими Наврўзобод маданият маркази тикувчилик йўналиши тўғарак гуруҳи раҳбари лавозимида 2021 йил март ойидан 2022 йил март ойига қадар ишлагани, ишга олинишида АААга пул бермагани, уни моддий манфаатдор қилмагани, 2022 йил март ойида бошқа иш топгани сабабли у ердан бўшагани, ўрнига синглиси С.Носировани Наврўзобод маданият маркази тикувчилик йўналиши тўғарак гуруҳи раҳбари лавозимига 1,0 ставкага ишга олишини АААдан

сўрагани, у рози бўлиб, синглиси ҳар ойда 200.000 сўмдан бериб туришини айтгани, бу пулни маданият бўлимнинг ташкилий масалаларига деб тушунгани, синглиси С.Носирова берган пулларни ААА ўз эҳтиёжи учун ишлатганини кейинчалик билгани, ўзи Наврўзобод маданият марказидан ижара асосида фойдаланмагани, АААга ижара пули бермагани, у баъзида харажатлар учун пул сўраганида унга бериб тургани, синглиси АААни пластигига ўтказилган пулларни пора деб тушунишмагани, бу пулларни ташкилий масалалар учун деб тушунишгани ҳақидаги кўрсатуви;

- гувоҳ У.Қобиловнинг суддаги, 2021 йил декабрь ойидан ҳозирга қадар Сирдарё вилоят маданият бошқармаси бош юристконсулти бўлиб ишлаб келиши, вазифасига буйруқларнинг, шартномаларнинг қонунийлигини текшириш, ишончнома асосида бошқарма манфаатини ҳимоя қилиш ва бошқалар кириши, ААА 2019 йил 26 июлдан Янгиер шаҳар маданият бўлими мудири лавозимида ишлаб келгани, ААА бўлимга ходимларни ишга олиш, ишдан бўшатиш, моддий рағбатлантириш чораларини кўриш ва бошқалар кириши, Янгиер шаҳар маданият бўлими ходими ҳисобланган С.Носированинг штат бирлигини 1,0 ставкадан 0,5 ставкага тушириш ёкитуширмаслик АААнинг ваколатига кириши ҳақидаги кўрсатуви;

- гувоҳ О.Муминовнинг суддаги, Сирдарё вилоят маданият бошқармаси кадрлар бўйича бош мутахассис бўлиб ишлаши, Янгиер шаҳар бўлимида фаолият юритаётган С.Носированинг 1,0 ставка штатдаги иш ўрнини 0,5 ставка штатдаги иш ўрнига тушириш ёки туширмаслик ва унга моддий рағбатлантириш учун мукофот пули ажратиш тўғридан-тўғри АААнинг хизмат вазифасига кириши, мазкур ҳолатларни терговга чақирилганидан кейин билгани ҳақидаги кўрсатуви;

- тарафлар розилиги олиниб, сўнг судда ўқиб эшиттирилган гувоҳлар Ш.Сувонқулов, С.Қурбоновларнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари;

- судда текширилган пул маблағларини ажратиш ва ариза муаллифига диктофон билан бирга тақдим этиш баённомаси ва иловалар, аудиоёзувни кўздан кечириш баённомаси, тезкор тадбир ўтказиш, воқеа жойини кўздан кечириш ва ашёвий далил тариқасида олиб қўйиш баённомаси, ААА ва С.Носировалар ўртасида ёзиб олинган аудиоёзувлар, аудиоёзувларни кўздан кечириш ва таништириш баённомалари, ААА ва С.Носировалар ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси, судга оид кимёвий экспертизасининг 2022 йил 25 декабрдаги 1610-сонли хулосаси ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди.

Суд, ҳимоячи О.Қурбоновнинг ААА жиноят содир этмаганини, у С.Носирова билан оғзаки келишиб, ҳар ойда ижара сифатида 200.000 сўмдан олиб келгани, АААнинг айби йўқлиги, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра ушбу важларни танқидий баҳолашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли Қарорининг 11-бандида “Тамагирлик — мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки фуқарони унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш

учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасддан тушириш демакдир” – деб тушунтириш берилган.

Судда аниқланган ва ишдаги ҳужжатларга кўра, ААА 2019 йил 26 июлдан 2022 йил 21 декабрга қадар Янгиер шаҳар маданият бўлими мудирини лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиб, Наврўзобод маданият маркази тикувчилик йўналиши тўғрисида гуруҳи раҳбари С.Носированинг 1,0 (ставка) штатдаги иш ўрнини 2023 йилдан 0,5 (ставка) штатдаги иш ўрнига туширмаслик эвазига тамагирлик йўли билан, яъни С.Носированинг манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди билан С.Носировадан 1.350.000 сўм пулларни пора тариқасида талаб қилиб, ўтказилган тезкор тадбир давомида 2022 йил 16 декабрда Янгиер шаҳар маданият бўлимидаги хизмат хонасида С.Носировадан кимёвий ишлов берилган 1.350.000 сўм пулларни олган вақтида ушланган.

Бундан ташқари, АААнинг айби судда сўралган гувоҳлар С.Носирова, Ғ.Хайдаров, Д.Мадиярова, У.Қобилов, О.Муминовларнинг кўрсатувлари, тезкор тадбир ўтказиш, воқеа жойини кўздан кечириш ва ашёвий далил тариқасида олиб қўйиш баённомаси, ААА ва С.Носировалар ўртасида ёзиб олинган аудиоёзувлар, аудиоёзувларни кўздан кечириш ва таништириш баённомалари, ААА ва С.Носировалар ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси, судга оид кимёвий экспертизасининг 2022 йил 25 декабрдаги 1610-сонли хулосаси ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Суд юқоридагиларга кўра ушбу важларни АААни жиноий жавобгарликдан қутилиши учун келтирилган важлар сифатида баҳолаб, тўлиқ рад этишни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукми ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак” деб кўрсатилган талабидан келиб чиқиб, суд жараёнида текширилиб аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи АААнинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилинган бўлсада, бироқ судланувчи АААнинг ҳаракати ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли Қарорининг 8-бандида “Пора олиш, пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилишни такрорийлик белгисига кўра тавсифлаш ушбу жиноятнинг ўзини икки маротабадан кам бўлмаган миқдорда содир этилишини ва улардан ҳеч бири учун шахснинг судланмаганлигини ҳамда жиноий

жавобгарликка тортишнинг муддати ўтиб кетмаганлигини тақозо этади” – деб тушунтириш берилган.

Дастлабки тергов органи томонидан ААА С.Носировадан 2022 йилдаги 1,0 (ставка) штатдаги иш ўрнини 0,5 (ставка) штатдаги иш ўрнига туширмаслик эвазига таъмагирлик йўли билан кўрқитиб, 2022 йил май ойидан 2022 йил декабрь ойига қадар ҳар ойда 200.000 сўмдан пора беришини талаб қилиб, ҳар ойда такроран 200.000 сўмдан пора тариқасида олиб келганликда унинг қилмиши ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “а” банди билан квалификация қилинган.

Судда аниқланган ва ишдаги ҳужжатларга кўра, ААА Янгиер шаҳар маданият бўлими мудир лавозимида ишлаб, мансабдор шахс бўла туриб, Наврўзобод маданият маркази тикувчилик йўналиши тўғарак гуруҳи раҳбари С.Носированинг 1,0 (ставка) штатдаги иш ўрнини 2023 йилдан 0,5 (ставка) штатдаги иш ўрнига туширмаслик эвазига тамагирлик йўли билан 1.350.000 сўм пулларни пора тариқасида 2022 йил 16 декабрда Янгиер шаҳар маданият бўлимидаги хизмат хонасида олган вақтида ўтказилган тезкор тадбир давомида ушланган.

Бундан ташқари, судда сўралган судланувчи ААА С.Носировадан ҳар ойда 200.000 сўм пулларни ижара ҳақи сифатида келишиб олиб келгани ҳақида кўрсатув берди.

Судда сўралган гувоҳ С.Носирова эса 2022 йил апрель ойида у Янгиер шаҳар маданият бўлими Наврўзобод маданият марказида тикувчилик йўналиши бўйича тўғарак раҳбари вазифасига 1,0 ставкада ишга қабул қилингани, иш давомида у ҳар ойлик 1,0 ставкада ишлаши эвазига иш ҳақидан ўртача 200.000 сўмдан маданият бўлим бошлиғи ААА “ойлик харажатларим бор” деб пул олиб келгани ҳақида кўрсатув берди.

Бундан кўришиб турибдики, С.Носирова АААга ҳар ойда 200.000 сўмдан “идорадаги харажатлар учун” – деб ўйлаб пул бериб келган.

Бундай ҳолатда, ААА С.Носировадан Янгиер шаҳар маданият бўлими Наврўзобод маданият марказига ишга кирганидан бошлаб 2022 йил декабрь ойига қадар такроран пора тариқасида ҳар ойда 200.000 сўмдан олган деб ҳисоблаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 23-моддасида “Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак” – деб белгиланган.

Суд юқоридагиларни инобатга олиб, АААнинг ҳаракатидан ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “а” бандини чиқаришни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 26-бандидаги “Судланувчи томонидан содир этилган бир жиноят, жиноят қонунининг бир неча моддалари билан хато тавсифланганда ёки бир неча содир этилган жиноятларини жиноят қонунининг оғирроқ жазони тақозо қилувчи биргина моддаси билан тавсифлаш ўрнига асоссиз равишда жиноят қонуни бир моддасининг бир неча қисмлари билан тавсифланганда, суд ҳукмининг тавсиф

қисмида судланувчига хато қўйилган ЖКнинг моддаси (моддаси қисми ёки банди)ни чиқариб ташлаш тўғрисида ҳам тегишли асослар келтирган ҳолда кўрсатиб ўтиши етарлидир” – деган тушунтиришига риоя қилиб, судланувчи АААнинг ҳаракатидан чиқарилаётган ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “а” бандини ҳукмнинг қарор қисмида такрорламасликни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” – деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” – деб тушунтиришлар берилган.

Суд:

- судланувчи АААга жазо тайинлашда айбига қисман иқrorлигини, қилмишидан пушаймонлигини, 3 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, иш ва яшаш жойларидан ижобий тавсифланганини, оилада ягона боқувчи эканини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиб, жиноятни бевосита эгаллаб турган лавозими билан боғлиқ ҳолда содир этганини, унинг шахсини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, муқаддам судланганлик ҳолати тугалланганини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 45, 57-моддаларини қўллаб, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифалари юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, санкцияда назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 50-моддасига асосан жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни;

- иш бўйича ашъвий далил сифатида эътироф этилган махсус кукун ва тампон намуналари ҳамда АААнинг ўнг ва чап қўларидан олинган суртмалар намуналари, АААнинг хизмат хонасидаги “SvetoCopy” номли қоғоз қутисининг устки ва ён қисмларидан олинган суртма намунасини тегишли тартибда йўқ қилишни;

- тезкор тадбирда фойдаланилган, АААдан олинган 1.350.000 сўм (ушбу пуллардан олинган 60.000 сўм) пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги ИЖҚК Департаментининг Сирдарё вилоят бошқармаси махсус ғазнасига қайтарилгани инобатга олишни;

- ААА ва аризачи ўртасида ёзиб олинган 2 дона дискларни, тезкор тадбир давомида тасвирга олинган 2 дона дискларни ва суд-кимёвий экспертизасининг 2022 йил 25 декабрдаги 1610-сонли хулосасини жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

ААА Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

АААга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 45, 57-моддалари қўлланиб, 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифалари юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 16 декабрдан бошлаб ҳисоблансин.

АААга нисбатан қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилган:

- махсус кукун ва тампон намуналари ҳамда АААнинг ўнг ва чап қўларидан олинган суртмалар намуналари, АААнинг хизмат хонасидаги “SvetoCopy” номли қоғоз қутисининг устки ва ён қисмларидан олинган суртма намунаси тегишли тартибда йўқ қилинсин;

- тезкор тадбирда фойдаланилган, АААдан олинган 1.350.000 сўм (ушбу пуллардан олинган 60.000 сўм) пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги ИЖҚК Департаментининг Сирдарё вилоят бошқармаси махсус ғазнасига қайтарилгани инобатга олинсин;

- ААА ва аризачи ўртасида ёзиб олинган 2 дона дисклар, тезкор тадбир давомида тасвирга олинган 2 дона дисклар ва суд-кимёвий экспертизасининг 2022 йил 25 декабрдаги 1610-сонли хулосаси жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар 20 сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Сирдарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят келтиришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

Ш.Эшимов

Аслига тўғри: